



“ 25 январь 2016 ул

№ 8Ф

Урганч ш.

Нусха №

Вилоят иктисодиётининг турли соҳа ва тармоқларини ривожлантиришда илм-фаннинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, фан ва техниканинг муҳим илмий ва технологик муаммоларини ҳал этиш, илм-фан соҳасининг барча жабҳаларида ёш олимларнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда улар ўртасида ўзаро илмий-ижодий ҳамкорликни кучайтириш, илмий ва илмий-техникавий анжуманларни самарали ўтказиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 январдаги 33-ф-сон фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 январдаги 33-ф-сон фармойиши раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туманлар ва Урганч шаҳар ҳокимликлари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан биргаликда ўтказиладиган тадбирлар иштирокчиларини анжуманларни ўтказиш учун масъул бўлган ташкилотларнинг бунортманомаларига мувофиқ тегишли равишда меҳмонхона жойлари билан белгиланган тартибда таъминлашлар ҳамда уларга тиббий хизмаглар кўрсатсинлар.

3. Вилоят ички ишлар бошқармаси анжуманлар ўтказиладиган, иштирокчилар жойлашадиган, овқатланадиган, ташриф буюрадиган жойлар ва уларнинг ён-атрофида жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати, ёнгин ва фуқаролар хавфсизлигини, иштирокчиларни ҳаракатланиш йўналишлари бўйлаб йўл-патруль хизмати патруль автомашиналари ёрдамида кузатиб борилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармойиши билан қўйиладиган:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологиялари ривожлантиришни мувофиқлантириш қўмитаси, тегишли вазирлик ва идораларнинг Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар (кейинги ўринларда анжуманлар деб юритилади) режаси I ва 2-иловаларга мувофиқ маъқулланганлиги;

мазкур анжуманларни ўтказиш учун ҳаражатлар ташкилотчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланиши;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар:

анжуманларни ўтказиш учун зарур маблағларни ажратилишини назарда тутишлари ва уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сарфланишини назорат қилишлари;

анжуманларни пухта тайёргарлик асосида, белгиланган муддатларда, юқори илмий ва ташкилий савияда ўтказилишини таъминлашлари;

анжуманлар ўтказилганидан сўнг улар ҳақидаги ҳисоботлар ва анжуманларда қабул қилинган тавсияномаларини ўн кўн муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологиялари ривожлантиришни мувофиқлантириш қўмитасига тақдим этишлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологиялари ривожлантиришни мувофиқлантириш қўмитаси:

ўтказилган анжуманларнинг якунларини умумлаштириши ва уларнинг илмий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги тўғрисидаги тахлилий ҳисоботини 2017 йилнинг январь ойида Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши;

ушбу фармойиш билан маъқулланган анжуманлар рўйхатини, уларни ўтказувчи ташкилотлар, ўтказиш санаси, жойи ва анжуманлар веб-сайти тўғрисида маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштириши ҳамда уларнинг домий равишда янгиланиб борилишини таъминлаши;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар назирлиги мазкур фармойишга мувофиқ амалга оширилиши режалантирилган тадбирларни ўтказиш учун масъул бўлган идораларнинг талабномаларига биноан, анжуманларда катнашадиган хорижий мутахассисларга кириш визаларини консуллик ва бошқа йнгимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлаши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Вилоят магбуот ва ахборот бошқармаси, Хоразм вилояти телерадиокомпанияси, “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари бирлашган тахририятига ўтказиладиган анжуманларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёрғитиб борилиши тавсия этилсин.

6. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хўжаниёзова зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

П. Бобожонов